

**Вояга етмаган шахсга нисбатан амнистия актининг нотўғри қўлланилиши суд қарорларининг ўзгартирилишига ва айбдорнинг жазодан озод этилишига сабаб бўлди.**

Жиноят ишлари бўйича Акмал Икромов туман судининг 2003 йил 25 июлдаги ҳукмига асосан Н. Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 16 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра Н. бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктирган ҳолда, 2003 йил 24 март куни тунги соат учларда, А.Икромов тумани, Хтқир маҳалласида йўлда кетаётган А.ни пичоқ, лезвия ва темир предметни кўрсатиб, уни ҳаёти учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб, унинг анча миқдордаги-450.000 сўмлик тилла тақинчоқларини босқинчилик йўли билан талон-торож қилганликда айбли деб топилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсатининг 2004 йил 25 мартдаги қарорига асосан Н.нинг ҳаракатлари ЖК 164-моддаси 3-қисмининг «б» бандидан, шу модда 2-қисмининг «б,в» бандларига қайта квалификация қилинган ва унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси 10 йилдан 6 йилга келтирилган ҳамда унга нисбатан 2003 йил 1 декабрдаги амнистия акти 6-моддасининг «а» банди тадбиқ этилиб, жазонинг ўталмаган қисми тўртдан бирига қисқартирилган.

Маҳкумнинг ҳаракатларини Жиноят кодекси 164-моддаси 3- қисмининг «б» бандидан шу модданинг 2-қисмининг «б,в» бандларига қайта

квалификация қилишда Тошкент шаҳар судининг раёсати айбдор томонидан талон-торож этилган мулкнинг қиймати асоссиз равишда кўп миқдорда деб топилган. Ишда тўпланган далилларга кўра, бу мулкнинг миқдори 450.000 сўм эканлиги аниқланган.

Раёсат айбдорнинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган ва унга адолатли жазо тайинлаган бўлсада, бироқ вояга етмаган Н.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони 1-моддасининг «б» бандини тадбиқ этиб, уни жазодан умуман озод этиш ўрнига ушбу амнистия акти 6-моддасининг «а» бандини қўллаб, жазонинг ўталмаган қисмини тўртдан бирига қисқартириб, хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2004 йил 17 август куни Н. га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсати 2004 йил 25 мартдаги қарорини ўзгартириб, Н. га 2003 йил 1 декабрдаги амнистия акти 1-моддасининг «б» бандини тадбиқ этган ва уни жазодан озод қилган.

***327-04-сонли ажрим***

